
ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ АРАФАСИДА ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНИБ, УЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ ВА СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 майдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони асосида вилоятимизда ҳам 11 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ҳолидан хабар олинди, уларга Президентимизнинг байрам табриги, 20 миллион сўмдан пул мукофотлари, совғалар топширилмоқда.

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов, вилоят Мудофаа ва Хавфсизлик тизимлари раҳбарлари, вилоят секторлари раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари биргаликда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан Фарғона шаҳрида яшовчи Татьяна Усманова, Фарғона туманида яшовчи Турсунбек ота Исанбеков ҳамда Тошлоқ туманида яшовчи Одилжон ота Зокиров хонадонларида бўлишиб, фахрийларни ва уларнинг оила аъзоларини байрам билан табриклар билан, Давлатимиз раҳбарининг табриги ўқиб эшиттирилиб, пул мукофотлари, совғалар топширилди.

102 ёшни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Татьяна Усманова вилоят раҳбарларини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Онахон кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканини қайта-қайта таъкидлади.

Турсунбек ота Исанбеков Хонқиз қишлоғида яшайди. Бу йил 98 ёшни қарши олди. Ҳозирда фарзандлари, набиралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Одилжон ота Зокиров 101 ёшни қаршилади. Турмуш ўртоғи билан 4 ўғил ва 6 қизни вояга етказиб, уларни жамиятга манфаат келтирадиган инсон сифатида тарбияладилар. Ҳозирда 200 дан ортиқ набира, чевара ва эвараларнинг дуоғўйи бўлиб, доим ардоқда.

Вилоят раҳбарлари билан суҳбат давомида фахрийлар уруш хотиралари, ўтган даврларнинг қийинчиликлари, ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш кераклигини такрор такрор таъкидладилар, Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Мустақиллигимиз, юртимизда тинчлик-осойишталик бардавом бўлишини, оилаларда барака, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-08 15:53:00